



ТАФАККУР МАДАНИЯТИНИНГ ЯНГИЛАНИШИ ВА ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДА ЮРИТИШ

Норов Саид

доцент, фалсафа фанлари номзоди,
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6378400>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-mart 2022

Ma'qullandi: 10-mart 2022

Chop etildi: 17-mart 2022

KALIT SO'ZLAR

XXI аср, тараққиёт,
олам, борлиқ, инсон,
фалсафа, тафаккур
тарзи, алоқадорлик

ANNOTATSIYA

Мақолада талаба-ёшларга дунё ва унинг
борлиғи ҳақида тўлиқ билим бериш, аниқ тушунча ва
тасаввурлар ҳосил қилиш асосида фалсафий мушоҳада
қилиш ва ундан ижодий фойдалана олиш масалалари
баён қилинган.

Инсоният цивилизациясининг
ҳозирги даври хусусиятларидан келиб
чиқиб, ижтимоий тараққиёт ва келажак
тўғрисида яхлит билимга эга бўлган
ҳолда фалсафий мушоҳада юритиш
муҳим масаладир. Шу маънода атроф
борлиқ, унинг турли кўринишлари,
оламнинг пайдо бўлиши, субстанция
ҳаёт олий қадрият эканлиги, борлиқ
имкониятлари, чексизлик ва
чекланганлик ҳақида илмий-фалсафий
дунёқарашни шакллантириш бугунги
куннинг долзарб муаммосидир.

Инсон ўзининг бевосита
борлиғини, мавжудлигини уни қуршаб
турган дунё билан доимий алоқада
амалга оширади. Дунёда яшаш ва
оптимал мослашиш учун инсон, унинг
ақл-идроки ва ҳислари ташқарига, яъни
дунёни билишга қаратилган. Одамлар
қадим замонлардаёқ ўзларини ўраб
турган олам, ундаги нарса ва
ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини

ўрганганлар, уларнинг қадри ва
аҳамияти тўғрисида фикр юритганлар.
Замонлар ўтиши, жамият ривож
давомида бу борадаги масалалар
кўлами кенгайган, уларни ҳал
қилишнинг аҳамияти ортаверган.

Инсон ўзининг бевосита
борлиғини, мавжудлигини уни қуршаб
турган дунё билан доимий алоқада
амалга оширади. Дунёда яшаш ва
оптимал мослашиш учун инсон, унинг
ақл-идроки ва ҳислари ташқарига, яъни
дунёни билишга қаратилган. Чунки,
инсоннинг дунёни ўзлаштириши
биринчи навбатда уни ўрганиш билан
боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал
қилинишига боғлиқ. Шунга кўра,
инсоннинг билиш жараёнини табиий,
тарихий ва ижтимоий жиҳатлар
ажратилиб кўрсатилади. Мақсад
билишнинг мақсади ва вазифаси турли
ҳодисаларни ўрганиш йўли билан
уларнинг чуқур, турғун, белгиловчи



томонлари ва қирраларини, уларнинг моҳиятини очиб, ҳақиқатни англаб олишдан иборат.

Билиш жараёнида одамнинг фаоллиги турли воситалар орқали янгилик яратиш ва унумли иш кўришга томон йўналтирилган. Инсон билиш асосида турли асбоблар, ускуналар ясайди, илмий назариялар, моделлар, белгилар тизими, тимсоллар, идеал объектлар ва шу кабиларни яратади. Лекин шу билан бирга ўзининг қобилиятлари оламни билишда қанчалик имкониятларга эга эканлигига, бу соҳада кўпроқ натижа ва ютуқларга эришиш учун яна нималар қилиши лозимлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор беради.

Ҳозирги давр ижтимоий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий онг тараққиёти ва инсониятнинг дунёнинг сиру - асрори қарорига тобора чуқурроқ кириб бориши XXI асрга хос бўлган интеллектуал салоҳият устуворлиги билан белгиланади. Шу маънода, дунё ва борлиқ ҳодисалари тўғрисида фалсафий дунёқарашнинг шаклланиши унда кечаётган жараёнларга табиий-илмий билимлар асосида ёндашув билан белгиланади.

Шу маънода, фалсафий фанларнинг тушунча ва категориялари инсон билиш фаолиятида методологик аҳамиятга эга эканлигини белгилаш қуйидаги муаммоларни аниқлаш имконини беради:

- объектив реалликда содир бўлаётган нарс ва ҳодисаларнинг ички сабабий

боғланишлари ҳақида мулоҳаза юритиш;

- дунёда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар ички ва ташқи омиллар таъсири натижаси эканлиги ҳақида аниқ хулоса чиқаришга интилиш;
- кўз ўнгимизда намоён бўлаётган борлиқ ички сабаб, мазмун, моҳият, имкониятнинг ташқи ифодаси эканлиги ҳақида қатъий нуқтаи назарга эга бўлиш;
- ҳар бир объект умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик белгиларнинг яхлитлиги ҳолатида мавжуд бўлиши тўғрисида илмий билимга эга бўлиш;
- нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги ички зарурият ва сабабийлик сифатида қонуний тарзда намоён бўлишини исботлаб бера олиш;
- фалсафа категорияларининг илмий билишдаги методологик аҳамиятини белгилаб бериш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, борлиқ, ҳаракат, замон тўғрисида фалсафий умумлаштирув қай даражада ривожланган бўлса, жамият фалсафий тафаккур маданияти ҳам шу ҳолатда бўлади. Бу ҳол эса жамият ва шахс эътиқодини шакллантириш, эълон қилиш маданиятига бориб туташади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда; **“Фалсафа барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам-медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъий назар-**



ҳаётнинг, ўз касбининг маъно мазмунини яхши тушунмайди”.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, талаба-ёшларга дунё ва унинг борлиғи ҳақида тўлиқ билим бериш, аниқ тушунча ва тасаввурлар ҳосил қилиш асосида фалсафий мушоҳада қилиш ва ундан ижодий фойдалана олиш кишиларга дунёни ўзлаштириш ва ўзгартириш йўллари кўрсатувчи ўзига хос қонуният сифатида ўрганиш орқали қуйидагиларга эришиш мумкин;

- ✓ кейинги даврларда фан ва амалиёт ривожини натижасида диалектика табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг, улардаги алоқадорлик ва боғланишларнинг энг умумий қонунлари ҳақидаги фан сифатида майдонга чиқди;
- ✓ борлиқдаги барча нарсалар, ҳодиса ва жараёнлар ўзаро

боғлиқ бўлиб, улар умумий алоқадорликда бир-бирларига таъсир ва акс таъсир қилиб турадилар, бир-бирларини тақозо қиладилар;

- ✓ дунёнинг ўзгарувчанлиги, ундаги нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирларига боғлиқлиги тўғрисидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши инсониятнинг дунёни билиши жараёнида жуда катта сифатий ўзгариш бўлган;
- ✓ табиат, жамият ва инсон тафаккуридаги алоқадорликлар ва ривожланишларнинг умумий қонуниятлари ҳақида бизга тўғри йўналиш бериб, дунёни ўзлаштириш ва ўзгартириш йўллари кўрсатиб оламнинг ҳақиқий илмий манзарасини яратиб, кишиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Каримов И.А. «Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва садоқатини рўёбга чиқариш – бугунги куннинг устувор вазифасидир» // Инсон, унинг ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2006, 117-бет.
2. Аликулов, С., & Ризаев, И. И. (2021). Образование и современные технологии. Моделирование и конструирование в образовательной среде, 27-31.
3. Сафаров, А. И., & Ризаев, И. И. (2021). Возможности и перспективы экотуризма в узбекистане. Экономика и управление гостеприимством территории, 123-127.
4. Ризаев, И. И., & Муминова, З. О. (2021). Профессиональная подготовка личности: оздоровление и духовное воспитание. Система менеджмента качества в вузе: здоровье, образованность, конкурентоспособность, 264-268.
5. Rizaev, I. (2021). Liberalization of the social system: constructive and destructive aspects. TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research, 10(4), 58-64.



6. Ризаев, И. И. (2021). Проблемы либерализации общества в контексте глобализации. Онтологические и социокультурные основания альтернативного проекта глобализации. —Екатеринбург, 2021, 254-257.
7. Ризаев, И. И. (2020, April). Структура социальной системы—основа самоорганизации общества. In Дни науки–2020» III Международная научно-практическая конференция. ГОУ ВПО «Донбасская аграрная академия (Vol. 5, pp. 45-51).
8. Rizaev, I. I. (2019). The structure of the social system as the basis for the self-organization of society. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(7), 190-195.
9. Ризаев, И. И. (2020). Синергетический подход к самоорганизации социальных систем. Философия инноваций и социология будущего в пространстве культуры: научный диалог, 294-300.
10. Alikulov, S. A., & Rizaev, I. I. (2020). Methodological problems of research of social systems. Theoretical & Applied Science, (2), 717-720.
11. Alikulov, X., Haqqulov, N. Q. Spiritual maturity and philosophical thinking dependence of development // ISJ Theoretical & Applied Science 04(84) 2020. Pages: 164-167.
12. Ҳаққулов Н.Қ. Сиддикий-Ажзий маърифатпарварлик қарашларида миллий толерантлик масаласи // НамДУ илмий ахборотномаси - Научный вестник НамГУ. -2020. - №10. –Б.296-302.
13. Haqqulov N.Q. Perfect generation - personality of private education and humanity facilities // "МИРОВАЯ НАУКА" международное электронное научно-практическое периодическое издание. -2019. - №2(23). - С.62-63
14. Сафаров А.И., Хаккулов Н.К. Свойственные качества совершенному человеку в суфизме //Современная наука как социально-политический факторразвития государства: материалы международной научно практической конференции (10 мая 2019г., Москва) Отв. ред. Зарайский А.А.— Издательство ЦПМ «Академия Бизнеса», Саратов 2019. С. 48-50.
15. Ҳаққулов Н.Қ. Сиддикий-Ажзийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари// Falsafa va Hayot | Философия и Жизнь | | Philosophy and Life. - 2020.- №SI-2Б. – Б.162-171.
16. Haqqulov, Nabijon Qahramonovich (2020) "INTERNATIONAL TOLERANCE IN THE EDUCATIONAL VIEWS OF SIDDIKI-AJZI," Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 2 : Iss. 10 , Article 46. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss10/46>